



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
ЎЗБЕКИСТОН TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

“29. Янворий” 20 21 у

Yaypan shahri 60 sonli

Ўзбекистон туман “Пахтакайнар ММТТ” худудида “Мингтут кичик саноат зонаси”ни ташкил этиш учун ер майдони ажратиш ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси”га беминнат ўтказиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йил кунги “Коронавирус пандемиясида глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5969-сонли фармони ҳамда Халқ Депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 19 октябр кунги VI-XIX/-93-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йил кунги “Коронавирус пандемиясида глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5969-сонли фармони ҳамда Халқ Депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 19 октябр кунги VI-XIX/-93-сонли қарори маълумот ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Туман ер танлаш ер ажратиш (реализация қилиш) комиссиясининг 29.01.2021 йилдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан белгилансинки

а) Ўзбекистон туман ҳокимлиги захирасида бўлган, “Пахтакайнар ММТТ” худуди 119к,124,73-контурлардаги 41,50 га ер майдони “Мингтут кичик саноат зонаси” ташкил этиш учун ажратилсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПФ-4363-сонли қарорини ҳамда Фарғона вилоят ҳокимининг 26 октябр кунги 02-04/5193-сонли топшириқномасини туманда ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон туман ҳокимлиги захирасида бўлган, Товуш МФЙ Тинчлик қишлоғи ҳудудидаги 41,50 га ер майдонини “Миингтут кичик саноат зонаси” ташкил этилсин ва белгиланган тартибда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси”га беминнат ўтказиб берилсин.

4. Ўзбекистон тумани “Пахтақайнар ММПТ” ҳудудидаги 41,50 га ер майдони “Миингтут кичик саноат зонаси”ни ташкил этилиши ва белгиланган тартибда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси”га беминнат ўтказиб берилиши муносабати билан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш туман Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи (А.Ражабов) га, солиқ қўловларини ҳисоблаш туман ДСИ бошлиғи (Ж.Қўчқоров)га, давлат рестрига белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш статистика бўлим бошлиғи (О.Абдуллаев) гава Давлат хизматлари маркази раҳбари (М.Джўраев)ларга юклатилсин.

5. Мазкур қарор манфаатдор томонларга маълум қилинсин;

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Сатторов знасига юклатилсин.

Туман ҳокими



К.Джўраев